



Бугун челаклик Кодирбек мерган тўй бошлаб юборди. Киру адирлардан ошиб узок-узокларга таралган карнай-сурнай садолари одамларнинг хуш-хандон кий-чувиға уланиб кетди. Бу ёғи тоғли кишлоклардан, у ёғи чўл тараф овуллардан гуррос-гуррос мехмонлар, полвонлар кела бошладилар.

Тўйхона бикинидаги бедапоядан тортиб, ўйдим- чукур йул четларигача машиналар тизим- тизим: мезбонлар томонидан тайинланган кузатувчилар уларни зийрак кўриклашади. Ахир бир кунлик тўй ўтади-кетади, аммо кейин гийбат кўпайиши мумкин. Фалон кишлокдаги фалончининг тўйига борган эдик. Томоша айни кизиган пайт, уловимизнинг зарур нарсасини шилиб кетибди! Дабдабага берилгунча мехмонларнинг иззатини кил, кўликларига кўз-кулок бўл..." - кабилидаги гап-сўзлардан эҳтиёт бўлган маъкул.

Кодирбек мерган давра кўрган одам. Тўй олди якинларини маслахат ошиға чакириб, хар кимнинг кайвоничилигига караб хизматларни таксимлаб берган. "Тўй бир маники эмас, хаммамизники. Бирга обрў олайлик", деган одатдагидек жиддий бир киёфада.

Мана, элдан чикмай, кимгадир яхши, кимгадир ёмон кўринса-да, тўй-маъракаларда бош-кош бўлиб юрган Кодирбек мерганнинг ўзи бугун эл-улус олдидан ўтаяпти.

Махалланинг ёшу кариси хизматга "лаббай" деб турибди. Хизматчиларнинг оёғи олти, кўли етти. Хар бири ўз вазифасини бинойигина ўтаб, тўйчининг эътиборига тушиш иштиёкида.

Ха, нимасини айтасиз, тўйга нима етсин?! Одамлар юз-кўзларида табассум. Бир-бирини багрига босишлар... Мехмонларга тавозе билан пешвоз чиккан Кодирбек мерганга кимдир ошкора, кимдир пинхона тўёна кистиришга уринади. Биров хизматчи болага етаклатиб юборган кўзига зимдан ишора килса, бошкаси саломлашиш бахонасида тўй сохибининг кафтини махкам кисади.

"Э, шундай келаверсангиз хам бўларди..." дейди Кодирбек мерган хижолатомуз.

Тўёналарни мерганнинг боди бир божаси лабига сигарет кистирган кўйи кўк дафтарига кайд этиб боради.

Дарвоза каршисидаги арик рошини копларидаги нарсаларни кўз-кўзлаётган пистафурушлар- у, атторлар эгаллашган...

Шодиёна шавкидан маст кишилар хаш-паш дегунча кеч тушиб колганини-да пайкашмади.

Шом. Кўприкдан ўтиб, тўйхона якинига келиб тўхтаган "Раф" машинаси атрофини кий-чув кўтарган болалар ўраб олишди.

- Ур-ра! Сардор полвон келди-и-и!
- Кураш томошаси роса кизийдиган бўлди-да.
- Сардор полвон акамнинг ошнаси, армияда бирга бўлган...
- Бекор айтибсан, мактанчок, Сардор полвон аканг билан ҳеч ҳам ошна эмас! Аммо менинг тоғам билан Тошкентдан битта самолётда келган, билдингми?
- Бувам айтувдила, Сардор полвоннинг бизга кариндошлиги боракан...

Мехмонларни одатдагидек, назардан колдирмай "Хуш кўрдик!" дея пешвоз қаршилаётган Кодирбек мерганнинг кўзи чирок ёругида ўзи томон келаётган Сардор полвонга тушди-ю,

ховликканича олдинга интилди.

- Э-э... мархабо, мехмонлар, мархабо!

Сардор полвон мерганни кучоклаб чакконлик билан даст кўтарди:

- Тўйлар муборак, акагинам...
- Куллук, куллук

Кодирбек мерган барча келганлар билан ҳам илик кўришиб чикди-да, атрофга аланг-жаланг бокиб, бикинидан шошилиб ўтаётган йигитни тўхтатди:

- Баходир, Жарлик оғайниларимизга карагин, хўпми, кўнок Розик чавандозникида, билдингми?

Йигит "Хўп-хўп" деганча Сардор полвонга бошдан оёк разм солди-да, кўл узатди.

- Кани, юринглар, акалар...

Жарлик мехмонлар йўлчи йигит изидан узун-киска бўлиб эргашишди.

Жой излаётган машиналарнинг чироги кўзларни камаштиради. Улар машиналарни оралаб, торгина кўприкдан ўтишди. Йўлчи йигит муюлишдаги икки табакали тахта дарвоза олдида тўхтади. Кия очик эшикчадан бош сукди-да, товуш берди:

- Ким бор?

Ичкаридан аввал "Хозир..." деган сас эшитилди. Сўнг, остонада бекасам тўнини кия-кия ўрта ёшли, микти гавдали киши пайдо бўлди.

- Салом алайкум, келинлар, мехмонлар!

У тавозе килганча мехмонлар билан кўришиб чикди.

Сўнг чакконгина супа четидаги офтобани олиб, тордаги сочикни елкасига ташлади-да, мехмонларнинг кўлларига сув куйди.

Мехмонлар таклиф килинган хона дахлизи бурчагида махси-калиш ва печкага суяб кўйилган хасса кўзга ташланади. Мезбон хона эшигини очиб ичкарига мўралади-да :

- Бува, каранг, мехмонлар келди, - деди.
- Ассалом алайкум!

Мехмонлар хона тўрида кўш ёстикка ёнбошлаб олган, ёши саксонларни коралаган, соколлари ўзига ярашиб турган чол билан кўришишга чоғланишди. Чол ўрнидан кўзгалмокчи бўлди. Мехмонлар бувани ортикча уринтирмаслик учун:

- Кимирламанг, бува, - дея бирин-кетин кўл олиб кўришишди.

Хол-ахвол сўрашиб улгурмаслариданок дастурхон келтирилди.

Чол дастурхонга канд-курс, майиз кўяётган кишига:

- Чойни тезлатинглар! - деди-да, мехмонларга бир сира разм сола бошлади.
- Хўп яхши кебсизлар-да, кураш полвонлар билан кизийди-да... - Кария гап орасида негадир Сардор полвонга бир неча бор тусмоллаб тикилди. - Сардор полвонман, денг.

Жарлик эканлигингизни эшитгандим. Аммо кимнинг ули эканлигингизни билмасдим...

Сардор энди огиз жуфтлаган эди, отахон гапни улади.

- Одамни бир кўришда биламиз. Сиз, Жардаги обрўли кишиларнинг авлодидансиз, тўғрими? Рахматли отангизни бир-икки марта кўрганман. Хам ўкиб, хам баннисада ишларди чоги... Эх-хе...

- Мени... бошка биров билан адаштираяпсиз чоги, бува, - деди полвон кимтинибгина.

- Ол-а, адаштириб, ўлдимми, бир аниклик билмасам тилимга калима келмайди. Синаб кўрмок- чисизлар, шекилли. Хохланг-хохламанг, сиз, Сардоржон, - отахон полвонга тикилди, - Жаббор дўхтирнинг ули бўласиз. Ах-ха топдимми? Кани, полвон, кўлни ташланг. Сумбатингиз, боринги, кош-кўзларингиз куйиб кўйгандек отангизнинг ўзи... Полвон кулогигача кизариб кетди. Кариянинг полвонга узатган кўли хавода муаллак колди. Полвон кафти билан пахта гулли пиёлани тўнтариб, айлантира бошлади. Даврага жимлик чўкди. Отахон "огзимдан ножўя гап чикмадим ишкилиб", деган ўйда эсанкираб колди. Бир

муддат ўтгач тахорат бахонасида секингина ўрнидан кўзгалиб ташкарига чикиб кетди.

Хонага галати бир сукунат чўмди. Сардор полвоннинг кош-кабоги осилди-колди. Уни кўриб хамкишлоклар хам хайрон. Кўп ўтмай мезбон дастурхонга шўрва тортди.

Мехмонларга манзират килди.

- Кўп овора бўлманг, ака, - деб кўйди кимдир, истар-истамас огзига бир бурда нон соларкан.

- Кани, полвонлар, сизларни даврага чакиришяпти.

Мезбон йигит шундай дея, мехмонларнинг оёк кийимларини ўнглай бошлади. Полвонлар аста кўзгалишди.

\* \* \*

Борликни коплай бошлаган тун пардасининг бир парчаси гўё Сардор полвоннинг кўкрак кафасига тушгандек. Шу топда юрагига кил хам сигмайди.

"Сен жарлик Жаббор дўхтирга куйиб куйгандек ўхшайсан деган шаъмаларни болалигимда хам эшитган эдим. Ёшим улгая боргач бу сўзни бошка кишлоклар одамларидан хам кўп эшитадиган бўлдим. Товба. Ўз отам бўла туриб мени каёкдаги Жаббор дўхтирга менгзашади-я?! Ё... бунда бирор сир бормикан? Назаримда, анови чол хам беҳуда гап бошлаб колмади-ёв... Ер ёрилмади-ю, ерга кирмадим".

Сардор полвон чукур "уф" тортиб осмонга бокди. Самода жимирлаётган юлдузлар кўзларига тиг янглиг кадаларди.

Полвоннинг раъйига караган хамрохлар хам алланечук сукут саклаб одимлашар, худди шу хол хам Сардорнинг шубхаларини баттар оширар эди.

Эх-хе! Кураш майдонида тумонат одам. Электр чироклари томошатабларнинг зич даврасини аранг ёритиб турибди.

Хамма хаяжонда. Вактлирок келиб жой эгаллаган олд катордагилар чордона куриб олишган. Хамишагидек, кураш иштиёкмандларининг барчаси, бир-бирини туртиб-суриб давранинг олд тарафига ўтиб олишга интилади. Тўдани ёриб ўтишнинг иложини килолмаганлар, сал имкон топилди дегунча кўз илинадиган жойга бош тикишади. Баковул микрофондан полвонларни чорляпти.

- Тезрок, азиз мехмонлар. Полвонлар, жойларингизни эгалланг. Бугун Кодирбек мерган ўзидан кечган. Бор-будини халол олишган, даврани кизитган мард полвонларга

улашаман, дея ният килган. Шунинг учун бугун эсда коларли кураш бўлади. Кани, даврани устозлар бошлаб беришсин.

Удумга кўра ёшлигида давра кўрган икки чол бел олишди. Атрофда кийкирик кулги...

- Яшанг, полвонлар, кучларингиз тенг экан, - дея баковул чолларни ажратиб, солим ўрнида елкаларига тўн ташлади.

Навбат, одатдагидек болаларга! Ўз номзодларини hozirлаётганлар баковулнинг кулогига шипшиб, полвон йигитчаларнинг исмини, каерданлигини эслатишади. Баковул уларни ёнига чакириб, даврага таништиради. Беллашувларни кузатиб, полвонларга солим тайин этади. Полвон йигитчаларнинг харакатлари, хатто баъзиларининг аразлашиб, кизаришиб колишлари- да томошабинларнинг завкани кўзгайди. Курашнинг ёзилмаган конунлари бор. Полвонлар тарафма-тараф. Хар кайсининг ўз мухлислари бор. Голиб полвонни жўралари кучоклаб кутлашган, маглуб полвон тарафидагилар эса орият учун "Ўша полвонинг энди менга чиксин!" дегандек давра айланадилар. Голиб полвон хохласа-хохламаса ракибининг издоши билан беллашади...

Ишкибозлар катта-номдор полвонларни, бош соврин учун беллашувни сабрсизлик билан кутишяпти. Ўзларича бугун ким полвон бўлишини-да башорат киладиганлар канча! Тун тевааракни тобора ўз кора кучогига тортиб борарди. Даврадан кўтарилаётган чанг-губордан хатто юлдузлар хам кўринмай колди. Сардор полвон хали-хануз ўз хаёллари билан андармон.

"Ё... онамнинг хаётида бирор дог бормикан?! - изтироб исканжасида ўйларди у. - Одамлар шунчаки юзимга айтолмай, пана-панада гап килиб юришгандир?! Йў-ўк, бунинг тагига етмасам бўлмайди. Токай бунака писмики кочиримларни эшитиб юраман..." Сардор полвон шундай эзгин хаёллар билан, хатто, кураш охирлаб колганини хам сезмади.

- Энди навбат товоқларга. Биринчи товоқ - бир хўк-киз, бит-та рангли телевизор. Кимнинг юраги чопса мархамат...

Баковулнинг тантанавор хайкиригидан у ногох ўзига келди. Чўчиб аввал тевааригига, сўнг майдонга кўз ташлади.

Баковул давра ўртасига товоқ келтириб кўйди. Сардор полвоннинг эзгин кайфиятидан хамрохлари хам эзилган. Бир гапириб ўн куладиган Сардор полвонни улар илгари бу кадар тушкун ахволда кўришмаган...

- Кани, полвон, товоқни олинг!

Кулоқлари остида тўсатдан жаранлаган бу сўз полвонни хушёр торттирди. Атрофга назар солди, хамманинг нигохи унга кадалган.

Полвон бир силкиниб ўридан турди. Жарликлар юзига табассум калкиди. Бир-бирига мамнун-масрур кўз ташлаб олишди. Сардор даврага тушиб товоқка кўл тегизди. Удумга кўра товоқ устига кўйилган патирдан синдириб огзига солди. Давра туйкус сув куйгандек сокин тортди.

Баковул овози янгради:

- Биринчи товоқни олган жарлик Сардор полвонга талабгор борми? - у бир муддат даврага кўз югуртирди, хеч кимдан садо чикмади. - Бўлмаса соврин Сардор полвонга берилади. Бунинг кизиги йўк-да, ахир. Эл-улусга томоша бўлсин-да. Кани, полвонлар, зотга эгалик килинлар.

Бир пайт донги кетган, hozir картайиб колган Нажим полвон челаклик полвонларга зарда килди:

- Э, ўргилдим гердайиб юришларингдан. Бизнинг ёшлигимизда челакликлар ҳамма совринга эгалик килишарди. Бу кандай шармандалик?! Ўз овулингда юрак ютиб даврага чиколмасанг. Кани, Хошим, чик!

У невараси Хошим полвонга юзланди:

- Бизнинг уругдан бўлсанг даврага туш. Зўр бўлса йикитар. Йикилганни ер кўтаради. Бошка ерлик полвонларга талабгор бўлмасанглар Челақнинг боласи эмассанлар...

Бу сўзлар челақлик полвонларнинг ориятини кўзгади.

- Кани, Хошим полвон, нима бўлса ҳам чикинг.

Бултур ёзда Дехконободдаги бир тўйда мана шу Сардор полвон билан беллашгани Хошимнинг хаёлидан ўтди. Ўшанда у Хошимни бир кафаслик курашдан ўтказмаган. Кўллари чайир, худди темир, бунинг устига балодек чаккон. Гавдаям, гавда-да!

- Хошим, чикасанми? Ё ўзим чикайми? - Нажим полвон бетокатланиб чопонини еча бошлади.

- Кўйинг, бува, ўзим чикаман.

Нажим полвон бетокатланганча даврага кадам босди. Баковулни имлади...

Баковул Сардор полвонга Хошим полвон талабгор эканлигини даврага эшиттирди.

Атрофда кийкирик, карсак кўпди. Орзикиб кутилгани сайин полвонларнинг даврага чиқиши чўзилгандек бўлаверди.

Нихоят, Сардор полвон даврага тушди. Ўз жамоаси томонга караб тавоф килди ва одамлардан фотиха олди. Кўзларини ердан узмай, кўлларини киндигига босганича секин давра айланди. Хамминг нигохи Сардор полвонга каратилган.

Хошим полвон жомакорининг у ёк-бу ёгини тўгрилаган бўлиб гоз юриш билан даврага кадам босди. Бир муддат давра айланган полвонлар кўл олишди.

Кураш бошланди.

Томошабинларнинг нафаси ичига тушган. Улар полвонларнинг ҳар бир ҳаракатини нигохларидан кочирмасликка ҳаракат килишади. Сардор полвон бир жойда депсиниб, рақибини ўзига яқин келишга чорлайди. Хошим полвон эса унинг теварагида сакраб-сакраб, бармоқларини хавода ўйнатганича шоштиришга уринади. Нихоят, Сардор полвон бир шахд билан рақибининг белбогидан тутди. Оёгини Хошимнинг бутидан ошириб, унинг болдирига маҳкам илдирди. Кўкраги билан орқага сура кетди. Хошим полвоннинг оёги тоя бошлади. Гурс! Хошим полвон чакконлик билан ёнбошга ағдарилди.

- Хисоб эмас, чаппа!

Хошим полвон тура солиб, рақибининг ёкасига ёпишди. Баковул унинг кўлини Сардор полвоннинг ёкасидан ажратар экан:

- Яхшимас, Хошим полвон, буни кураш дейдилар, мард бўлиш керак. Хозир тагин бел олишасизлар. Чаппа дедик-ку, ахир, бироз дам олинглар, - деди.

Кўзлари косасидан чиккудек турган Хошим полвон орқага бурилар экан:

- Сардор, ўзи кимнинг боласи эканлигини биласанми? - деди-ю гавдасини икки ёнга саллона ташлаб челақлик полвонлар томон кетди.

- Нима дединг?! - Сардор полвоннинг сўзи огзида колди.

Сардор полвоннинг пешонасида кайнаб чикаётгандек терлар жимирлади. Шогирдлари ўтиргизиб елкасига чакмон ташлаб, чой тутишди. Полвоннинг газаби кайнади. Миясида гумонлар гужгон:

"Жаббор деганлари ким ўзи?! Бунча асабимга тегишмаса. Манови Хошим тиррикнинг пичинги ҳам-масидан ошиб тушди. Агар шу гаплар рост бўлса, унда бу давра менга бегона. Полвон ота-онасининг, кейин элнинг фарзанди бўлиши керак!"

Сардор полвон лабини тишлаганча муштарини кисди. Унинг важохатини кўрган киши юрак ютиб бир сўз демасди.

Сардор полвоннинг хаёлини баковулнинг сўзлари бўлиб юборди:

- Кани, полвонлар, давра совиб колди. Дам олиш хам шунчалик-да.

Сардор полвон кўлларини ерга тираб ўрнидан кўзгалди. Унинг важохатини, шер каби хамлага хозир эканлигини кўриб, Хошим эсанкираб колди. Беллашмай деса, уят. Эртага овулдошларининг юзига кандай килиб карайди? Беллашай деса, Сардор полвон шу тобда уни мажаклаб ташлашдан хам тоймайди.

- Хошим, чикасанми ё жонинг узилдими? - Нажим полвон унинг бошида даргазаб бўлиб турарди.

Хошим полвон ноилож даврага тушди. Ракибига рўбарў келди. Сардор полвон бир хамла билан ракибининг ёкасидан тутиб ўзига тортди. Кўзлар тўкнашди.

- Нима дединг? - Сардор полвоннинг панжалари Хошимнинг баданини тешгудек ботиб борарди. - Билиб кўй. Сенга ўхшаб даврани харом килганим йўк! Жомакоримни, белбогимни, босиб юрган тупрогимни харом килганим йўк... Ё пирим!!!

Сардор полвоннинг ўкиригидан давра бир калкиб тушди.

- Халол, халол!

Оёкка турган ишкибозлар Сардор полвонни галаба билан олқишларди. Хошим полвон анчагача ўзига келолмай ётди. Уни жўралари ўраб олишган. Юзига сув сепиш билан овора. Сардор полвон олқишларга хам парво килмади. Елкасига чакмонини ташлаб, совринга хам карамасдан аста даврадан сиргалиб чикди.

... Чексиз адир. У беихтиёр боши оккан томонга кета бошлади. Анча юриб майсалар устига чўккалади. Завкка тўла даврадаги олқишлар, бакир-чакирлар элас-элас кулокка чалинади...

Юраги тўлиб кетди. Кўлларини юзига босиб, йиглаб юборди. Эсини таниганидан бери илк бора йиглаши эди. Канча ўтирганини билмаиди. Совукдан жунжикиб ўзига келди.

Тўй овозлари

тинган. Ахён-ахёнда узоклардан итларнинг акиллаши демаса, атроф жим-жит...

\* \* \*

Рохила хола ярим тунда дарвоза такиллашидан кўркиб кетди.

- Ким бўлдийкин ? Туф-туф... Яхшиликка бўлсин-да.

Зулфини туширгач, остонада жияни Сардор полвонни кўриб ичига гулгула тушди.

"Тинчликмикан, ишкилиб?"

- Ассалому алайкум, хола.

- Ваалайкум. Кани-кани, Сардоржон, ичкарига кир. Хол-ахвол сўрашишгач, Рохила хола кизиксинди:

- Кандай шамоллар учирди, Сардоржон, ўтакамни ёрдинг-ку. Намунча ярим кечаси безовталаниб юрибсан?! - у чирок ёругида жиянининг бузук авзойини кўриб донг котган эди.

- Ўзим, - деди полвон огир хўрсиниб, - тинчлик, хола. Келганимдан мақсад, - у муддаога ўтди, - бир гумон гапни аникламоқчиман. Факат тўгрисини айтинг. Онамнинг, сизнинг опангизнинг хаётида бирор ифлос сир борми? Жаббор деганлари ким?! Нега мени хамма ўшанга ўхшатишади?

Хола жиянини тинчлантиришга уринди:

- Болагинам, "Астагфуруллох" де, тавба кил.
  - Гапни айланторманг! - газаб билан деворни муштлади полвон. - Менга очик, рўй-рост айтинг. Мен кимнинг фарзандиман ўзи?!
  - Болам, кандай кунларга колдик-а. Бу кундан кўра, онангдан олдинрок мен ўлиб кетсам бўлмасмиди.
- Хола кўз ёшларини рўмолининг учига артди. Лаблари пирпираб, гапини йўкотиб кўйди.
- Гапиринг, илтимос.
  - Биласанми, Сардор... - аёл деворга кокилган сўзанага тикилиб сукутга чўмди. Хаёл уни олис-олисларга учуриб кетди.

\* \* \*

Тут айна хил-хил пишиб турган пайтлар эди.

- Кизим, Зайнаб бийингни би-и-р сийлайлик. Ховлимиздаги тутни хосиятли деганлари деган. Дуогўй кампир... - деди Момохол каштачи кизига.

Бу таклифдан Гуласал севиниб кетди. У Зайнаб момони яхши кўради. Ёшлигида муаллималик килган Зайнаб момонинг гурунглари бирам ажойибки, тинглаган сайин тинглагинг келади. Окила аёл. Бутун кишлокнинг хурматини козонган. Кўчада кўриб колган ёшми-кексами, унинг олдидан тавозесиз ўтмайди. Тут йуклаш бахонасида Зайнаб момонинг кизикарли сухбатларини тинглашга ошикаётган Гуласал ўзини кўз-кўз киладиган зумрад тутлардан атайин саралаб терди.

Бахор авжи палласига чиккан пайт. Чор-атроф ям-яшил. Самоларни тўлдириб калдиргочлар чарх уришади. Офтоб тафти кишига алланечук хуш ёкади. Киз ховлига кирар-кирмас тўлкинланиб сас берди:

- Зайнаб бийи!
- Биза буёкка, айланай, - деган майин овоз эшитилди айвон тарафдан.

Гуласалнинг кўзи шундагина ўша ердаги хонтахта ёнида ўтирган Зайнаб момо билан нотаниш йигитга тушди.

- Ассалому алайкум.
- Ваалайкум, келаколинг, айланай.

Зайнаб момо кўлларини тиззаларига босганча ўрнидан тура бошлади. Момони уринтириб кўймаслик учун Гуласал кадамини тезлатди.

Улар куюк кўришишди. Гуласал атлас гирдихонада чордона куриб ўтирган, кийинишидан, ўзини тутишидан шахарда ўқийдиганларга ўхшаб кетадиган йигит томонга хам секингина бош ирgab кўйди.

- Яхшимисиз? - деди кимтинибгина нотаниш йигит хам.

Гуласал кўлидаги чинни косани дастурхон четига кўйди.

- Онам бериб юбордилар.
- Вой, барака топинглар, айланайлар! Ишкилиб Момохол мани эсдан чикармайди, Момохол каштачи асл аёл-да - дея кўшнларини алкаб момо йигитга ишора килди. - Кани, Жабборжон, тутлардан ол. Шахарда тўйиб тут хам еяолмасанглар керак. Бу тут бошкача...

Жаббор беихтиёр киз томон тикилиб коларди: "Эгнидаги алвон гулли кўйлаги ўзига ярашган, икки ўрим сочи такимида талашган, тортинчоклиги, ибо-хаёси ўзига ярашган бу хурлико ким бўлдийкин?!"

Гуласал хам зимдан йигитга кўз ташлади. Бехос кўзлар тўкнашдилар. Улар саросималаниб бир-биридан нигохларини олиб кочишди.

- Жабборжон дўхтирликка ўкийди. Хар гал кишлокка келса бирров кўриб кетади, барака топсин, - дея жиянига меҳр билан тикилди момо. Жаббор ўнгайсизланди.

Кимтинибгина ўтирган Гуласал ижозат сўради:

- Энди бораколай.

Жабборнинг ичида бир нима узилгандек бўлди. У ялт этиб кизга каради. "Ўтиринг" демокчи бўлди-ю, тилини тишлади. Сўнг момо томон илтижоли кўз ташлади:" Аммам нима деркинлар,ишкилиб кизнинг туришига ижозат бермасинлар-да."

- Гуласал кизим, озиб-ёзиб бир келасан-у, оловга ўтиргандек дарров тураманга тушасан-а? - деди кулгига олиб кампир хам худди жиянининг кўнглини уккандай.

Гуласал кистайвергач Зайнаб момо дуога кўл очди. Туршак солинган идишга ликопчадаги парвардаларни агдарди-да, дастурхон бари билан ликопчани артиб косадаги яримлаб колган тутларни солди. Курук бўлмасин дея бўшаган коса устига нон кўйди. Гуласал уялганидан кизариб кетди.

- Кўйинг, хеч нарса керакмас.

- Удум шунака, айланай, Худойим богларингга барака берсин, Момохолга салом айтиб кўй, бундок чикиб турсин, - дея момо кўярда-кўймай коса билан нонни Гуласалнинг кўйнига кистирди. Ва кузатиш учун тараддудланди.

- Ўтирувринг, Зайнаб бийи. Меҳмонмидим кузатиб кўйсангиз, - дея Гуласал чакконлик билан супадан тушди.

Жаббор кизнинг ортидан термулиб колди:

"Хадемай имтихонлардан ўтиб олгач, таътилда кишлокда бўламан. Ўшанда Гуласални топиб оламан. Балки, мактабни энди тугатаётгандир. Ўқишга борса кани эди!"

Юрса хам, ўтирса хам Жабборнинг хаёлида шу навнихол киз чараклаб чикиб келаверадиган бўлиб колди.

\* \* \*

Ёзги таътилга келган набирасини юз-кўзларидан тўйиб-тўйиб ўпар экан, Бодом момо севинчини сигдиролмай, нукул "Худога шукур, худога шукур!" дея ўзини кўярга жой тополмасди. Отаси Рахматилло мироб:

- Имтихонлар кийнаб кўйганга ўхшайди, ўглим, - дея Жабборга бошдан-оёк кўз югуртирди. Ўчок бошида куймаланаётган онаизори ўглига разм солар экан: "Болагинамга гўдаклигидаги

хасталиги барибир таъсирини кўрсатди. Тенгурларидан кўра нимжонрок бўлиб колди. Харкалай китобга берилди. Аъло бахоларда ўкиб дўхтирликка кирди.

Кишлоқдошларнинг касалхонага иши тушса шаҳарда Жабборжонни излашади.

Айтишларича, кўлидан келган ёрдамани, вақтини аямай дўхтирма-дўхтир

текширтираркан. Даво топиб келганларнинг дуосини олаяпти. Худо хохласа зўр дўхтир бўлиб келади..." дея ютиниб кўйди-да, овкат сузишга хозирлик кўра бошлади.

Жаббор товоқдаги ширгуручни иштаха билан тановул киларкан:

- Кишлоқда тагин янгиликлар борми? - дея момосини гапга солди.

- Нимаям янгилик бўларди, болам...



- Тўй-пўйлар дегандай...
- Ха-я, эсимдан чикай дебди, - дея гапга аралашди онаизори, - Гулас бор-ку, Момохол каштачининг кизи, ўша бечорага кийин бўлди...
- Нега?!
- Бир ахмокка унаштиришган экан.
- Нима-а? Кимга?!
- Кимга бўларди, анови кирнинг нарёгидаги Пирмат биргаднинг ўглига. Отиям нимаиди-я... Жабборнинг кўлидаги кошик дастурхонга тушди.
- Кейин-чи, нима бўлди?
- Бечора Момохол каштачи кишлокда бош кўтаролмай колди. Маъракаларда ҳам кўринмайди боёкиш...  
Жабборнинг юзлари кизариб, ерга тикилиб колганини сезган отаси безовталанди:
- Ол, овкатиингни е. Иштаханг йўк. Ё, санам шахардан бирортасини топиб олганмисан?..  
Ўглининг гапини Бодом момонинг хазин товуши бузди.
- Огзингдагини шамол учирсин-ей, болам, ундай дема, неврагинам биза топган кизни олади. Тўгрими, Жабборжон...

\* \* \*

Пирмат биргад "Кизингни ўглимга берсанг ҳам берасан, бермасанг ҳам берасан!" деб оёк тираб олганидан Момохол каштачининг боши котган. Укалари ҳам шўрлик аёлни ўртага олишиб "Пирмат биргад ўзимизники, жиянимиз келин бўлса шундай боёт-шоёт рўзгорга келин бўлади-да, ўгли Шомирза институтда ўкиса, бунинг устига топармон-тутармон бўлса, Гулас ноз килмай рози бўлаверсин дейишгани-дейишган.

Гуласалнинг Пирмат биргаднинг ўглига кўнгли йўклигини бировга айтиб бўладими? Совчилар келиб-кетди дегунча бечора киз йиглагани-йиглаган:

- Ўзим танимаган, кўрмаган кишига кандай тегаман? Момохол каштачи кизининг гапларини соддаликка йўяди.

"Ёш-да, нимани ҳам тушунарди. Ўзим ҳам умримда кўрмаган йигитга текканман. Худога шукур, кам бўлмадим. Ёшлар аста-секин бир-бирини тушунади. Ўша севги-да!"

Момохол каштачи кўп ўйлади. Охири рози бўлди. "Ишкилиб бахтли, тахтли бўлишсин-да!" Холаю аммалар, дугоналар Гуласалга "Хаётнинг пасту-баланди"ни билганларича уктиришди. Гуласал онасини ўйлади. Кейинги пайтларда касалманд бўлиб колган Момохол каштачининг орзу-хаваси бор. Фарзандларини бахтли бўлишини ич-ичидан истайди. Гуласал онаизорини ортикча кийнамаслик учун ноилож "Пешонамга шу ёзилган экан-да", дея тақдирга тан берди.

Гуласал билан Шомирзани ими-жимиди унаштириб кўйишди. Пирмат биргад билан Момохол каштачининг куда бўлаётгани кишлокка ёйилди.

Удумга кўра хар якшанба "келин учун" холва олиб келаётган куда томон хотинлари Шомирзани огизларидан бол томиб макташарди.

- Иши бошидан ошиб ётибди. Кишлокка келишга хечам вакти етмаскан. Келинни тўй куни кўравераман дебди уялиб, илоё, умридан барака топсин...

Гуласал Шомирзани хаёлида тасвирлашга харакат килади-ю, аммо негадир хадеб кўз ўнгида Жаббор жонланаверади. Бундан киз хижолатга тушади.

Кутилмаганда совчи тўйни тезлаштиришни кўндаланг кўйди.

Момохол каштачи ховликканича тўй тадоригини кўра бошлади. Куда томондан келган

махмадона жувон Гуласални туман марказига олиб бориб бозор-у, дўконларни роса айлантриб, бош-оёк кийимлардан олиб берди...

Гуласалнинг кундан-кун очилиб бораётгани, атрофдагилар билан хушмуомалада бўлаётгани Момохол каштачининг кўнглини кўтаради.

"Айтувдим-ку, хали ёш, бора-бора тушунади, илоё, кўз тегмасин, куёвим билан кўша қаришсин..." дея ич-ичида яхши ниятлар тилайди.

Индин тўй. Бу хонадондан бир хафтадирки, хешу акрабо, кўни-кўшнининг оёги узилмайди. Одамлар чехрасидаги кувончни айтмайсизми...

Гуласалнинг кўзларига уйку илинмайди: бир сулув келинчак бўлсинки, хаммининг хаваси келсин. У ок харир либосда самоларда сузади, оппок, момик булутларни кучади... Келин бўлиб тушаётган хонадонни файзга тўлдиргиси келади. Кайнона-кайнотасининг хурматини шунаканги жойига кўйсинки, махалла келинлари хайрон қолишсин. Уйкудан уйгонган кайнилари, овсинлари чиннидек супурилган ховлига назар ташлаб "Келинимиз қачон улгурдийкин?" дея ёка ушлашсин. Хўжайини - Шомирзани охори тўкилмаган либосларда ишга кузатиб, кечкурунлари лаззатли таомлар билан сийлаши... Эх-хе... Шом пайти негадир бесаронжом кириб келган совчи хар галгидек хазил-хузулга ўтмасдан, безовталаниб Момохолни сўради.

- Вой-бў, бир кизим бўлса олиб кетасилар-да, - дея хуррамона кайфиятда ичкаридан шошиб чиккан каштачи совчининг ўнгайсиз холатини кўриб "Тинчликмикан ишкилиб" дея тўхтаб қолди.

Совчи чеккарокка ўтди.

- Момохол опа, ўзингизга айтадиган гап чикиб қолди.

Момохол каштачи хангу манг. Совчи атрофга ола-зарак боқди. Хамма ўз юмуши билан бандлигига ишонч ҳосил қилгач, ерга бокканича бўгик овозда гап бошлади:

- Элчига ўлим йўқ, дейдилар. Кайданам бошим айланиб совчиликка рози бўлибман-а, опажон. Хозир ўзимдан ўтганни ўзим биламан!

- Ётиги билан тушунтиринг, нима гап ўзи?

- Хар гап бўлсаям чидаш мумкин, бунисига чидаб бўлмайди. Шомирза кўрнамак, бир огайнисидан "Манга уйдагилар топган киз керакмас, шаҳарда хотиним бор. Тўй-пўйга бормаيمان", дебди. Пирмат амакиннинг уйида тўй эмас, аза бошланди.

Момохол каштачининг кўзлари хиралашиб, кулоклари том битди. Кўл-оёқларида мадор қолмади.

Кишлоқда гап ётмайди. Миш-миш болалайди. Миш-мишларнинг тагига етганлар ёка ушлашди. Иним дегани куюнди, ганим дегани суюнди. Нима бўлса бўлди, Гуласал тириклайин ўлди.

Ок ювиб, ок таралган, из тушмаган қор қаби боқира кизга огиз очиб, элга овоза айлаб лафзидан қайтиш, нози бор бўстон ичра гунчани топташ азалдан марднинг юзи ҳам, сўзи ҳам эмас. Бети билан кети бирдан ҳеч биров ёлчимаган...

Тўй қайтди. Бегубор туйгулар чилпарчин бўлди. Бахтга чанг солинди. Кувончлар юлинди.

\* \* \*

Жабборнинг ичига гўё чўг тушгандек. Бу чўг унинг кўнглини заррача ёритмас, аксинча азобларди.

"Нахотки, Гуласални бадном қилишган?!"

Юрагини илк бор "жиз" эткизган бетакрор манзара хаёлида айлангани айланган...

Бодом момо шу кунларда негадир уйчан, гап-сўзларга заррача хуши йўк, одамови бўлиб колган неварасидан хавотирда. "Нима бало, болагинамга кўз тегдими? Ёмон кўзлардан Худонинг ўзи асрасин-да ишкилиб..." деган сўзни пичирлаб такрорлагани-такрорлаган. "Момохол опа бунчалар содда, гўл бўлмаса-я?! Йўк, аслида ўзим хам пеш эмас. Хайрли ишга шошилиш керак дейишади, мен эса бўшанглик килдим! Кўнглимдаги гапни Гуласалга очик айтишга журъатим етмади ўшанда, демак, хаммасига ўзим, ўзимнинг ландовурлигим сабаб!.."

Шундай алгов-далгов хаёллар куршовида Жаббор узок-узок туриб коларди. Ўйлай-ўйлай бир кўнгли Гуласалнинг ўзига учраб уни севишини, бир умр бахтли кила олиши учун курашини дангал айтмокчи хам бўлди... Минг бир савол, уларга жавобан фикрлар хаёлида гужгон ўйнайди.

\* \* \*

Жаббор сикилиб кетди. У ховурини бироз бўлса-да тушириш ва хаёлларини чалгитиш илинжида муздек окар сувда чўмилишни тусаб колди. Шу бахонада кўнглини овутиб, вужудини совутиб олади... У соининг кишлок чеккасидаги шаршарадан пастрокда сокин окар жойини мўлжаллаб йўлга тушди.

Баданлари саратон офтобида корайган шўх-шаддод болалар кийкиришиб сувга сакрашади. Бир-бирларини бўктиришиб яйрашади. Кай бирлари эса киргокдаги кумларга беланишган... Бегубор ёшларнинг хатти-харакатлари Жабборнинг завкини кўзгади. Уларга хаваси келди. Шу болалардек пайтларида тенгкурлари билан ёзда роса мирикиб чўмилишгани ёдига тушди... Эх- хе! Кечаги дамлар бугун эртатка ўхшайди. Жаббор беихтиёр чўмилиш ниятидан кайтди. Унинг кўнгли бироз тин олди. Сайхонликдаги тепаликка караб юрди. Болалигидан билган кадим тут соясида мук тушиб атрофга назар ташлади. Чор-атроф накадар гўзал! Оксоч тоғлар кўл етар ерда савлат тўкиб тургандек. Таркок боглар ва далалар олисдан гўё бир жойда жамлангандек кўринади. Паст-баланд иморатларнинг томлари тутушиб кетганлигидан кишлокларни бир- биридан ажратиш кийин... Табиат гўзаллигини ўзлигича тасвирлаб бера оладиган мусаввир бормикин?! Юзларини сийпалаб ўтган майин шабада Жабборнинг хаёлини бузди. У соатига каради. Ўрнидан кўзгалиб шимларини кокди-да, секин пастга тушиб, сой ёкалаб кадамини тезлатди.

Хув, анови кўриниб турган ёгоч кўприкка чикиб олса у ёғи дала йўли. Бир пасда уйига етиб олади.

- Вой, вой, шунча ўт туриб, ниолларни чайнашига ўлайми, пўшт!

Таниш овоз Жабборни хушёр торттирди. У шоша-пиша овоз келган томонга юзланди.

Бирор кимса кўринмайди. Сой билан тутзорни ажратиб турувчи дўнгликка чикди.

Шундоқкина тутзор ёкалаб сигир ва бузогини хайдаб кетаётган кизга кўзи тушди. Г улли чит кўйлаги ўзига ярашиб турган, сочлари белидан ошган хурлико кўлидаги хивични хавога силкитганча говмиш ва бузокни олдинга юришга ундарди. Жаббор не кўз билан кўрсинки, бу - Гуласал эди. Жабборнинг вужуди оловланди. У беихтиёр киз ортидан эргашди. Канчалик тез одимлашга харакат килмасин, оёқлари ўзига бўйсунмасди.

Бўйнига огир тош осилгандек зўрга кадам ташларди.

У кизни ўзидан йироклаштириб кўйишдан чўчирди. Кани эди хозирок узо-о-окларга, одамларга кўринмайдиган олис манзилларга бирга кетишса... куёш сира-сира ботмаса.

Нур ўрнини соя эгалламаса...

Ортида одам шарпасини пайкаган Гуласал йўловчи тезрок ўтиб кетсин деган ниятда говмиш ва бузокни сувлатиш бахонасида уларни сой томон бурди. Аммо оркадан кимнингдир кузатиб, изма-из келаётганидан ичига гулгула тушди. Кўрка-писа ортга каради. "Жаббор! У бу ёқларда нима килиб юрибди экан?!"

- Ассалом, - Гуласал гарди рўмолининг учини лабига кистирганча ерга бокди.
- Салом, Гуласал! - Жабборнинг овози ўзига-да галати эшитилди. - Яхшимисиз? У ботинолмайгина Гуласалга бош-оёқ разм солди. Ўртага нокулай жимлик инди.
- Бу ёқларга кандай шамол учирди? - деди Гуласал майин бир овозда. Бу сўзлар Жабборнинг калбини ёритиб юборди.
- Ўзим. Бир айланиб дегандай. Кишлогимизни роса согинган эканман.
- Ўқишлар тугадими?
- Хозир таътилдаман...

Гуласал билан бўлган тасодифий учрашув Жабборни эсанкиратиб кўйди. Унинг пайдар-пай сўзлари, Гуласалнинг атрофга олазarak бокишлари, ярим-ёрти саволларию, киска жавоблар ёмгирдан олдин яшин чакнагандек бир лахзада ўтди.

- Уйимизга якинлашдик. Богқўча томондан кетаман.

Гуласалнинг гапи, "Ортимдан эргашманг, нак балога коламан-а!" деган маънони англатди. Жабборнинг ичида нимадир узилгандек бўлди. У дархол ўзини кўлга олди.

- Гуласал, бир гап айтсам, майлими? Гуласал довдираб кадамини тезлатди.
- Гуласал!
- Жаббор ака, илтимос, мени тинч кўйинг.
- Гуласал, эртага хам сигирларни ўтлатгани олиб чикасизми? Гуласал "ха" дегандек бош иргади.
- Бўлмаса, эртага, худди шу пайтда ёнингизга бораман...

Жабборнинг гапи огзида колди. Гуласал тез-тез юриб пасткам деворлар ортига ўтиб кетди.

Йигит ундан сира кўз узмасди.

\* \* \*

Ха, эртаси куни учрашдилар. Аста-секин гап-гапга уланиб. улар ўртасида иликлик пайдо бўлди. Улар тез-тез учрашадиган бўлиб қолишди...

Серсоя гужум остидаги сўрида мизгиб олган Жаббор кўзларини ишкалаб атрофга бокди. Кўёш кибла тарафга оккан. У ховли ўртасидан ўтган арикчада жилдираб оқаётган сувга юзларини чайди. Муздек сув карахтлигини таркатди. Нимадир эсига тушди. Шоша-пиша оёғига шиппакни илдирди-да, дарвоза томон йўналди. Онасининг:

- Каёкка шошилсан? Хар куни хам шу ахвол бўларми? - деган саволи жавобсиз колди.

\* \* \*

"Кизик, Нега Жабборга ўрганиб колдим. Кани эди узок гаплашиб ўтирсак. Биров халакит бермаса. Сўзлари бирам маънолики... Олдинлари нега билмаган эканман? Ё, асл севги деганлари шумикан? Йўг-э... Ундай бўлса нега кўргим келаверади?"

- Гуласал, кечикмадимми, ишкилиб.

Бехосдан кулоклари остида жаранглаган таниш овоз Гуласалнинг хаёлларини тўзитиб

юборди. У ёнокларидаги ёш томчиларини кафти билан сидирди. Каршисида Жаббор табассум билан тикилиб турарди. Жабборнинг киёфаси жиддий тус олди.

- Йигладингизми? Нимадан хафасиз? - дея ташвишланиб атрофга назар ташлади Жаббор.

- Шунчаки, ўзим... - деди Гуласал юзини четга буриб.

кўлидаги хивични серпаб говмиш ва бузокни йўл томон хайдай бошлади. Хамишагидек тутзор ёкалаб охиста юра бошлашди. Орада жимлик хукмрон.

- Гуласал, хадеб сикилаверманг. Бунакада соглигингиздан ажралиб коласиз-ку...

- Э, нима бўлса бўлар. Мен учун... хаётнинг кизиги колмади хисоб.

- Ундай деманг, хали хаммаси яхши бўлади. Одам орзулар билан яшаши керак, дейишади- ку...

- Канака орзу?! Менинг орзуларим сувларга чўкиб кетгандек...

- Гуласал, яхши гаплардан гаплашайлик. Таътилим хам тугай деб колди...

Гуласал бошидан совук сув куйилгандек сесканиб кетди. Ноёб нарсасини йўкотиб кўйишдан хадиксираётгандек беихтиёр Жабборнинг кўлидан тутди.

- Ростданми? Нега бунча тез...

- Олдинлари таътил роса чўзилгандек бўларди. Энди эса...

- Ўқишга кетсангиз... мен... ёлгиз... коларканман-да.

- Ёлгиз колмайсиз.

- Нега, нега бундай деяпсиз? Орада яна жимлик.

- Уйимизга якинлашдик.

Киз хар галгидек учрашув онлари якунига етганлигини эслатди.

- Гуласал, менга каранг...

Каршисидаги нозик вужуднинг лов-лов ёнокларию маъюс кўзларига тикилиб колган Жаббор тутила-тутила:

- Бир гап айтсам, майлими? - деди ялингансимон охангда.

- Майли, Жаббор ака, майли.

- Нима деб ўйласангиз ўйланг. Гапнинг дангали, сизни севаман. Агар...

- Йўк! - киз тисарилиб, бошини сарак-сарак килди. - Бу гапларни кўйинг, сизга тўгри келмайман.

- Рози бўлсангиз, сизга ўйланмокчиман...

- Нима?! - Гуласал довдираб колди. - Ўйламай гапирманг, илтимос.

- Ўйлаб кўрдим, Гуласал, сиз менинг бахтимсиз! Факат бирга турмуш куришимизга кўнсангиз бўлгани...

- Ахир, мен, мен...

- Нима мен?

- Мен, - Гуласал уф тортганча юзини кафтлари орасига олди. - Мен номи булганган, бетига кора чапланган бадбахтман...

- Ундай деманг. Исмингизни каранг: ГУЛАСАЛ.

- Гуласал! - Киз йигламоқдан ўзини тийиб, ўпкаси тўлган холда бошини хам килди. -

Исмимни кўйишганда адашишганми, дейман. Гуласал эмиш. Эрта хазон бўлган гул, огуга айланган асал кимга хам керак?

- Ундай деманг, Сиз гулларнинг сараси, асалисиз...

- Кейин-чи?!

- Кейин... Бахтли бўлишга хаклисиз.

\* \* \*

Ота-онаси гапни бир жойга кўйишган шекилли, эрта-индин шахарга жўнашга хозирлик кўраётган Жабборни ўртага олишди.

- Ўғлим, кейинги пайтда сани топиб бўлмаяпти. Би-ир гаплашиб олишимиз керак.
- Нимани?
- Ана холос, нимани бўларди, биттаси, ўзим айтишга уяламан, отам индамаса дардимни кимга айтай, деган экан. Санам ичимдагини топ деб юраверасанми?
- Тушунтириброк гапиринг, ота...
- Нимани тушунмайсан, болагинам, - кўрпа кавиб ўтирган онаизор гапга аралашди, - Энди болалигинг колмади. Хадемай ўқишни хам битирасан. Сан тенгиларнинг кўпчилиги бола- чакали хам бўлишди.
- Энди тушунгандирсан, ўғлим. - Жабборга юзланди Рахматилла мироб - Кучимиз борида бошингни иккита килиб кўяколайлик деймиз-да.

Жаббор кизарди.

- Хали ёшман, - деди овози чикар-чикмас.
- Ёш эмишлар, - кесатди Рахматилла мироб. - Ўғлимиз хаёл суришларидан шахардан бирорта култирнийсини топганга ўхшайдилар...
- Намунча болагинамни эзасизлар. - Бодом момо неварасининг ёнини олишга ўтди. - Насиб килгани бўлади-да.

Дастурхон атрофида тўпланилди дегунча ахвол шу. Мавзу битта: Жабборнинг бошини ковуштириш.

Бугун хам кечки овкат тановул килинар-килинмас отаси гапни айлантириб, тагин Жабборни уйлантириш мавзусига кўчди.

- Энди нозланмай айтарсан. Кўз остингда олиб юрганнинг борми ё ўзимизга маъкулига нон синдириб кўяколайликми?

Жаббор сўз айтишга ботинолмайди. Ер чизганча жим.

- Огзингга талкон солганмисан. Гапир. Бўлмаса айтганимизга кўнасан! - Гапни кўндаланг кўйди Рахматилла мироб.

- Майли, айтаман.

Жабборнинг "тили чикканидан" кувонган ота-она зимдан кўз уриштириб олишди.

- Хўш, ким экан ўша... номзод ?

Ота-онасининг кўзларидан кўзларини олиб кочиб ерга бокканча ўйга ботган Жаббор ноилож ёрилди:

- Гуласал.
- Кайси Гуласал?
- Кимнинг кизи экан?
- Бор-ку, анови, Момохол каштачининг...

Ўртада огир жимлик чўкди.

- Яна кайтар, кайси Гуласал?! - Рахматилла мироб кўзлари косасидан чиккудек бўлиб ўглига тикилди.

- Ё товба! Момохол каштачининг кизи?! - овози калтираган онаизори ажабланиб бир ўглига, бир эрига юзланди

- Астагфуруллох, де болам, - хаста овозда пичирлаган Бодом момо баттар мунгайиб колди.

Рахматилла мироб "шап" этказиб хонтахтани урди-да, хотинига юзланди:

- Ана сан тарбия берган арзанда! У кулоги билан хам, бу кулоги билан хам эшитиб кўйсин, биз унака оти чиккан кизни келин килолмаймиз.  
У ўрнидан даст туриб сўридан тушар экан, мункиб кетди. Жабборнинг онаси йигига зўр берди:

- Ўйлаб гапирдингми, болам. Бунакада бизларни шармисор киласан-ку?!  
Ховлида сукунат чўкди. Кўнгилсизликларни яширмоқчи бўлгандек калин тун пардаси борликни коплай бошлади.

\* \* \*

Ўқишлар бошланди. Ёзда хувиллаб колган институт худуди таътилдан кайтган талаба йигит-кизларнинг шўх-шодон кулгилари, хазил-мутойибаларига тўлди.  
Жабборга ҳеч нарса татимайди. Гап-сўзларга хуши йўқ. Машгулотларга ноилождан, ёкар- ёкмас катнайди. Унинг паришонхотирлиги, ковоги соликлигига илк марта дуч келган курсдошлари таажжубда. Якин жўралари хавотирда: "Оиласида тинчликмикин?! Бирор кор-хол бўлдими ё тоби кочганми?!" Саволлар жавоб излайди. Айтарли гап топилмайди... Хаёллар чўлгонган шу кезде касалхонада амалиёт ўташ муддати етиб келди. Жаббор олдинлари таътилдагина уйига ошикарди, энди эса дам олиш кунларини мўлжаллаб кишлокка отланади. Пайт топди дегунча Гуласал билан учрашишга шошилади...

\* \* \*

Гап шамол тезлигида кишлокка ёйилди: Момохол каштачининг катта кизи кочибди!

- Каёкка кочибди?! Ким билан кочибди?! Ҳеч ким анигини айтолмайди.  
- Раҳматилла миробнинг дўхтирликка ўқийдиган ўгли олиб кочган бўлса кераг-ов... - дейди кимдир шивирлаб.  
- Нега айнан ўшандан гумон килишяпти?  
- Шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирламайди. Ёзда иккови гаплашиб турганини кўрганлар бор.

Элнинг огзига элак тутиб бўлмайди. Мехмондорчиликда, сартарошхонада, тегирмонда, чойхонада... Уч-тўрт киши тўпланди дегунча шу гурунг: "Гуласал кочибди!".

\* \* \*

Пахта теримидан хар куни вақтлирок уйига кайтишга одатланган Гуласал бугун негадир хаяллади. Коронгу аралаш ховлига кирган Роҳила онасининг юзидаги хавотирни сезиб:

- Опам халиям келмадимми, ҳаммадан олдин пахтасини топшириб уйга жўнаганди-ку, - дея хоналарни, бог тарафни кўздан кечира бошлади. - Ҳеч каерда йўқ.  
- Тоби кочмаганмиди, ишкилиб. Сан киз бундок опам бор деб ўйламайсанам. Бирга бориб, бирга келсанглар бўлмасмиди, - дея кўйлаги бари билан кўз ёшларини артди Момохол каштачи.

"Ана келар, мана келар" дея она-бола Гуласални кута-кута тонг оттиришди. Роҳила азонда кўни-кўшиларникига, кариндошларникига чикиб келди. Ҳеч ерда кораси кўринмайди! Роҳиланинг дарвозадан мунгайиб кўзида ёш билан кириб келиши Момохол каштачининг ичига гулгула солди. Бир жойда ўтиролмайди. Олов ичида колгандек

жизганак бўлади. У кўрпа-тўшак килиб ётиб колди.

- Пешонамга бу иснод ҳам ёзилганмиди?! - дея ок ювиб, ок тараган кизини, уни йўлдан урганларни каргагани-каргаган.

- Ундай деманг, эгачи. Хозир севгани билан кочиш айб бўлмай колди. Хали ярашиб ҳам оласизлар. Товба денг-да, кизингизга бахт тиланг, - дея Момохол каштачини юпатишади баъзи бир кўнгилчан аёллар.

Момохол каштачининг Гуласалга тога бўлмиш ака-укалари газабга тўлишди. Наилож!

Осмон йирок, ер каттик. Шайтонга хай беришди. Ичдаги гапни тилга чиқаришмади.

Жигарларини аяшди.

\* \* \*

Ваъдалашиб, гапни бир жойга кўйган Жаббор Гуласални куттириб кўймади. Келишилган вақтда кишлоқ четидаги кексаларнинг айтишича бир пайтлари тегирмон бўлган нурай-нурай деб турган чор девор ёнида учрашишди. Режа нақадар калтис эканлигини хис этишса-да, шундан бўлақ ўзга чора икки ёшни бирлаштира олмаслигидан хайикишарди. Бундан бошқа имкон излаш кафтингда кўнай-кўнай деб турган бахт кушини учуриб юбориш ва умрбод унга дуч келмасликдан бошқа нарса эмас... Жаббор кира қилган ёнгил машина ўйдим-чуқур йўллардан чиқиб олгач, кенг асфальтда шамолдек елди.

\* \* \*

- Келганимизга ҳам бир хафтадан ошди. Энди ишга чиқсам...

- Мени ҳеч нарсага акли етмайди, деб ўйлайсизми? Сизни ўқийди десам ўқишга бормаяпсиз, тагин ишга чиқсам дейсиз, - Жабборнинг гапини бўлди Гуласал.

Жуфтнинг соддалигидан Жабборнинг кулгиси кистади.

- Хозир амалиётдамыз. Вилоят касалхонасида тажриба ошираяпмыз. Устоздан бир хафтага рухсат олган эдим.

- Шундай демайсизми? Ўқимаган бўлсам, қаёқданам тушунаман.

Ўйку аралаш кўзларини аранг очган Жаббор эринибгина ўрнидан турди. Ювиниб олгач шоша-пиша нонушта қилишга улгурди-да, ховлига чиқиб хонадон бекаси, кўринишидан олтмишлардан ошган, хохи рўмоли ўзига ярашиб турган, истараси иссик онахонни бошлаб хонасига бошлади.

- Холажон, энди келингизга кўз-кулоқ бўлиб турасиз. Тагин кочиб кетмасин, - дея гапни хазилга бурди Жаббор.

- Майли, ўғлим, ўқишдан колма. Келиним билан чакчаклашиб ўтирамыз. Коронгуда қолиб юрма, эртарок кел, куттириб кўйма.

- Хўп, яхши қолинглар. Жаббор остона хатлади.

Улар ижарада турадиган болахонали ховли тор бўлса-да, қандайдир файзли, ҳаммаёқ ораста. Дарвозадан кираверишдаги ўнг томондаги кенг хона уларга берилган.

"Шахарликларга мазза, Чирок ўчмаса, газ балонни ўйлашмаса, ичимлик сувини айтмаса ҳам бўлади" - ўйлади ичида Гуласал.

- Холажон, бирор юмуш бўлса тортинмасдан айтаверинг.

- Вой келинжон-ей, бу ерда нима ҳам иш бўларди. Жабборжон келадиган пайтда овқатга уннамасак бошқа қиладиган юмушимиз йўқ ҳисоби.



Гуласал Жаббор уйда бўлмаган пайтларда хоналарни, ховлини тартибга келтиради-да, хола

билан сухбатлашишга ўтиради. Бу фариштадеккина онахоннинг ичи тўла гап.

Кичик чилла ортда колган бўлса-да, куёв-келин хавотирда.

- Шу ишимиз тўгрими, Жаббор ака.?

- Мени ҳам шу савол кийнайди, - Гуласалнинг сўзини кесди Жаббор, - ўйлаб ўйимга етолмайман. Бундан бошка чорамиз йўқ эди-да. Энди бу гапларни кўйинг. Хаммасини хаёлдан чиқарайлик. Яқинда кишлокка борамиз. Ота-онамиздан узр сўраймиз. Уларга тушунтирамиз, кўндирамиз.

- Одамларнинг гап-сўзлари-чи?

- Уларга парво қилманг. Буни қисмат дейдилар...

\* \* \*

Жабборнинг қоронгу тушмасданок ховликканича дарвозадан кириб келишига ўрганиб колган Гуласал хавотирда. Бугун негадир Жаббор хаяллаб колди. Кўча эшикка тикилавериб Гуласалнинг кўзлари толиқди. Холанинг қалбини хавотирлик эгаллаган бўлса-да, Гуласални юпатишга уринади.

- Хойнахой, бирорта касалнинг аперасиясига қатнашаётгандир Жабборжон. Кўли енгил дўхтир-да, болагинам. Хали замон келиб қолади. Телевизор кўриб ўтирайлик, келинжон.

Экранда нима кўринаяпти, нима хақида сўз бораяпти, сезилмайди. Юрак гашлигидан кўзлар кўр, қулоқлар қар.

Жабборни кута-кута Гуласалнинг кўзи илинди.

Бу нима, тушми ё...

Уст-боши оппок матога ўралган Жаббор ён атрофи шаршара дарё устида замбилга ўхшаш ёғоч кўприк устида турибди. Чехраси шундай ёришиб кетганки...

- Мен ўйимга кетама-а-ан! - дея бакиради қулоқларини ёйиб...

Кўлларини силқитганча ўзи томон юрган Гуласалга "Яқинлашма" дея имо қилади ва кўллари билан тўгрини кўрсатади. Гуласал Жаббор кўрсатган тарафга боқади. Не кўз билан кўрсинки, шундоқкина оёқлари остида кишлоги ястаниб ётибди. Кишлок четидаги бир пайтлари эски тегирмон ўрнатилган, нурай-нурай деб турган чор деворга суянганича онаизори - Момохол каштачи кизини имляяпти. Гуласал "Онамнинг олдига борайми?" - дегандек Жабборга юзланмоқчи бўлиб ортга ўгирилади. Жаббор жойида йўқ. Гуласал атрофга боқади. Жаббор оппок булутлар огушида самога сузиб борарди...

- А-а-а!! - Гуласал чўчиб уйгонди. Кўрган тушидан кўркиб қалтирай бошлади.

- Келинжон, алахсираманг, кўркманг.

Хола Гуласални тинчлантира бошлади.

- Жаббор ака!

Гуласал хўнграб юборди. Тонг отиши шунчалар чўзилдики... "Нега бундай туш кўрдим, ё Жаббор акамни ўйлаб ётганим учунми?"

Хола билан Гуласал мишжа қоқишмади. Машиналарнинг чинкириги шаҳарни уйғотиб юборди. Чошгоҳ бўлди ҳамки Жаббордан дарак йўқ. Гуласалнинг юрагига қил сигмайди. Ёмон хаёллар уни қайларга олиб бормади...

Кўнгирок овозини эшитиши билан Гуласал кўча эшикка отилди.

- Эшик бекик қолганмиди?

Холанинг гапи огзида колди. Остонада мундирли йигитни кўриб оёгидан дармон кетди. Гуласал хам ханг-манг, тахтадай котиб колди.

- Жаббор Рахматиллаев шу ерда тураркан, тўгрими, холажон. Ўзингиз тушунасиш, такдирдан кочиб кутулиб бўлмайди. Умри киска экан...

Хола шилк этиб ўтириб колди. Кўзлари нурсизлана борди. Мундирли ходим узоклаша борди.

\* \* \*

Шумхабар тезда таркалди. Жабборнинг бевакт ўлимини эшитганлар бир калкиб тушишди. Ишониш кийин!

- Ахир кечагина биз билан операцияга катнашганди-я ?!
- Якиндагина диплом ишимни ўкиб маслахатларини берган эди-ку ?!
- Кечкурун чўмилишга борган эмиш...
- Ўзини сувга ташлаганмиш...

Жабборни якиндан билганлар унинг одамийлиги, самимий ва садокатли дўст эканлигини бир-бирларига сўзлайдилар.

Нихоят, марказий газеталардан бирида чоп этилган "Халоскор" сарлавхали макола миш-мишларга якун ясади:

"...Табиатан одамларга эзгулик улашиш ниятида бўлган, шу боис шифокорлик касбини танлаган Жаббор Рахматиллаев вилоят касалхонасида амалиётни ўтаб, ишдан сўнг анхор бўйлаб уйига йул олди. Бехосдан унинг кулогига аёл кишининг Болам чўкаяпти, ёрдам беринг-лар!" деган бакириги эшитилди. Жаббор вақтни бой бермасдан ёрдамга югурди. Сув юзида бир кўриниб, бир кўринмай калкиб бораётган болакайни кўриб ҳеч иккиланмай уст-боши билан ўзини анхорга ташлади. Сувга шўнгиб эпчиллик билан болакайни елкасига олди. Кийинчилик билан бўлса-да, киргоккача сузиб келди. Аёл болакайни кўлларида тортиб киргокка олди. Жон холатда Жабборга ёрдам бермокчи бўлди. Афсуски, бунинг иложи бўлмади. Жаббор сув остида кўринмай колди.

Аникланишича Жабборнинг тўпиги сув остида ётган симга илашиб колган экан. Халоскор инсон Жаббор Рахматиллаев умрининг сўнги лахзасида хам одамларга яхшилик килиш максатида жасорат кўрсатди..."

\* \* \*

Кийин бўлди, Гуласалга кийин бўлди. Бечоранинг бошига осмон кулади. Мудхиш хабарни эшитган Гуласалнинг тогалари жиянини кидиришга тушишди. Талабалардан сўраб-суриштириб у яшаб турган уйни топишди.

Шундай хам ўлимига рози бўлиб турган холага хам, сочлари тўзгиб телбавор бўлиб колган Гуласалга хам лом-мим дейишмади.

Гуласал итоаткорона машинага ўтирди. Кишлокка кайтишди. Момохол каштачининг ховлиси зимистонни эслатарди. Ҳеч кимнинг кайфияти йўк.

- Кун битгандан кейин бир сабаб бўларкан-да. Жабборнинг ўлимига ҳеч ким айбдор эмас...

- Энди ўзингни кўлга ол, онангни хам ўйла. Умридан канча кун бор-йўклигини Худо билади.

Хешу акраболар ўзаро кенгашиб Момохол каштачининг кўзи очиклигида Гуласални

турмушга бериш учун гапни бир жойга кўйишди. Гуласал каршилиқ кўрсатмади. Билади. Энди бу дунёда унинг қалб сўзларига қулоқ тутадиган мард қолмади.

\* \* \*

Ўн гулидан бир гули очилмаган Гуласалнинг пешонасига ёши ўтинкираган бўлса-да, қишлоқнинг тўй-ҳашамларида ҳаммоллик қилиб юрадиган Мардикул билан турмуш қуриш қисмати ёзилган экан.

Мардикул деганлари амакисининг молларини боқиб вояга етди. Мактабни ёнидан ҳам ўтмаган саводсиз, одамови, меҳнатдан бўйин товламайдиган, беозор киши. Олдинги турмушидан ажралишига фарзандсизлик сабаб бўлган, дейишади.

Гуласал Мардикулнинг хурматини жойига қўйди. Уст-боши вақтида ювиб тозаланган, истаган пайтида чой-овқати мухайё. Мардикул "Бориға шукр!" деб қўяди ҳар замонда. Гуласалнинг қистови билан у ҳар қимнинг эшигига югурдақлик қилавермасдан дала қоровуллигига ўтди. Тўрик қашқани миниб галлазорларни айлангани- айланган. Қоровуллик орқасидан рўзгор бирнави ўтиб турибди. Ўроқ хуржундан тушмайди. Молларнинг емиши даладан.

\* \* \*

- Мардибой ўғилли бўлибди!

Мардибойнинг оғзи қулоғида. Хуржунни қанд-курс, мева-чевага тўлдириб, қўлтигига "оби зам-зам" дан қистириб, таниш бригадирлару, миробларга роса ҳақ берди ўзиям. Фарзандли бўлса-да, Гуласалнинг қўнгли ёришмади. Мардибойнинг гурурланиб юришини қўриб, унга раҳми келади. "Бечора, қайдан билсин, ҳали ётиги билан тушунтирарман", ўз-ўзига пичирлади Гуласал.

\* \* \*

Гуласалнинг ўғли Сардор тетапоя бўла бошлагач юз-кўзлари, қошлари Жаббор дўхтирни эслатарди. Унга қараб Гуласал на қувонишни, на ўқинишни биларди. Ич-ичидан эзилади. Уни қим ҳам тушунарди?!

- Ҳе, энагар! Бола мендан деб юрсам...

Шу пайтгача Гуласалга овозини баландлатиб сўз қотмаган Мардикул узангидан оёғини олар-олмас сўқина бошлади. У оёқда зўрга турарди. Гуласал Мардикулнинг аҳволини тушунади. Урсаям, сўқсаям Мардикул ҳақ.

Супадаги кўрпачада ухлаб қолган Мардикул хуррак ота бошлади. Гуласал уни секин ёнбошга ағдарди.

- Тура қолинг, шомда ухласа ёмон бўлади дейишади, ҳали замон оқватни сузаман.

Мардикул анчагача туришга эринди. Боши гувиллайди. Чақагига қафтларини босди.

- Бошим ларсиллаб оғрияпти.

- Ароқ ўлгурни ичгандан кейин шу-да. Қимнинг шоҳи чиқибди. Шу савилни ичмайман десангиз оғзингиздан қуйишмас.

- Ҳа, энди жўраларни биласан-қу.

- Жўраларингиз жўра эмас, душман. Сизга арок ичиришиб калака киладиган майнавозлар. Мардикул ўйга толди. Хотини хак. Тўгри-да, қачон карасам ичириб гапга солишади.

"Ўглинг ўзинга тортганми" дея асабига тегишади.

"Гуласалнинг бир ойга яқин Жаббор билан яшаганини кишлоқда кўпчилик билади-ку. Ўзим ҳам билиб туриб унга уйландим. Сардор тугилгач, кейинрок Гуласал очигини айтди-ку?! Фарзандимизни бирга вояга етказамиз. Ким нима деса десин, оғзига кучи етмаганларнинг гапига аччикланманг. Хохламасангиз боламини олиб, бош олиб кетаман, деди-ку?!"

Ўшанда Гуласалнинг йигламсираб, тўлиб-тошиб айтган сўзлари Мардикулнинг юрак-багрини эзиб юборганди.

- Майли, хотин, сен айтганча бўла қолсин, фақат кетма. Сардорни ўз боламдек кўраман, ишон.

Улар бу мавзуда бошқа оғиз очмасликка аҳд қилишганди. Бугун эса...

Кечки овқатдан сўнг Гуласал:

- Дарвозадан сўқиниб қирдингиз, - дея дийдиёга ўтди.

Мардикул сўқинганини эслаб кўзларини олиб қочди.

- Шунга хафа бўласанми, ҳаммаси арокнинг гарданида.

- Мен боламини ўқситиб қўймайман дегандим-ку.

- Оббо, яна дийдиёми?

- Дийдиёмас, чин сўзим. Орага жимлик чўқди.

- Сизни ўша жўраларингиздан кучли деб билардим. Аччигингизни арокдан олманг-да.

Тотув яшайлик десангиз ичкиликни йигиштиринг. Сардор сизни отам деяпти. Агар отаси йўқлигини билса бола эзилади, билдингизми?! Мен буни асло истамайман. Кези келса эсини танигач, ҳаммасини айтиб берарман...

Мардикул талмовсираб қолди. Ой ёругида Сардорнинг кўзларига тикилди,

- Барвақт ухлаб қолибди-ку, тузукрок овқатланганмиди ишкилиб. Хали кўрасан, Сардор полвон бўлади.

\* \* \*

Сардор полвон туни билан тўлғониб чиқди. Холасининг ўзи истамаган холда Гуласал опасининг аянчли қисматини ўқиб-ўқиб айтган сўзлари кинотасмаларидек хаёлидан такрор ва такрор ўтар экан, чап кўкси санчиларди.

У айкаш-уйкаш ўйлар гирдобиди қолди: "Нахотки никоҳсиз тугилган боламан?! Ахир, бу бир умрлик иснод-ку?! Қулоққа ҳақоратдан-да оғир эшитилади... Одамзот кўтара олмайди бу тавқи лаънатни! Эҳ, Сардор, Сардор... Пешонанг бунча шўр бўлмаса?!"

УЛАРнинг айби бошингга маломатлар ёғдирди-я? Аслида УЛАР ҳам айбдор эмасдек...

Ўзлари қил устида турганда никоҳ эсларига тушармиди? НИКОҲ... Бунчалар кадрли, бунчалар покликка даъваткор бўлмаса бу қалом..."

Хаёлларини қалғитиб нонушта қилмоқчи бўлди. Қайфияти йўқлигидан томоғидан сув ҳам ўтмади.

Тунов қунги Челақда бўлган тўйдаги қураш, нотаниш қол ва Хошимнинг ҳақорати Сардор полвонга тинчлик бермасди. Вужуди газабга тўлган.

Ҳар қуни хўроз қичқирар-қичқирмас қўчага чиқиб, минг бир юмуш билан қунни кеч қилиб ўйга қайтадиган Сардор полвон бугун остона хатламади. Ҳеч қим билан қўришгиси

келмасди. Ўз хаёллари билан банд...

Кун пешиндан окканда дарвоза устма-уст такиллади. Ёстикни кучоклаб бир нуктага тикилганича ўйга ботган полвон истар-истамас ўрнидан кўзголди.

- Хозир.

Полвон дарвоза зулфини туширди. Остонада ёши элликларни коралаган, яктаги ўзига ярашган, ироки дўпписи уриниб колган киши турарди. Кўзларининг уйкусизликдан чарчаганлиги, чехраси махзунлиги шундоқкина сезилади. Салом-алик киска бўлди.

- Тинчликми, ака?

Полвоннинг салобати босдимми, меҳмон тутила-тутила муддаога ўтди.

- Тинчликка-тинчликку-я. Сизни отам сўраяптилар. Хозирок бормасак бўлмайди, - дея йўл четидаги кўк "Москвич" га ишора килди.

- Сизни танитайроқ турибман?

- Мен халиги челаклик мулла Абдурозикнинг ўртанча ўғлиман.

Полвоннинг хаёлидан "Мулла Абдурозик хақида эшитганман, аммо бирор марта гурунглашмаганман. Менда қандай гапи бўлиши мумкин?!" деган гап ўтди.

- Кечадан бери сўрайдилар, - полвоннинг ичидаги гапни сезгандек сўзида давом этди меҳмон. - Тунда кураш тўйига бориб ҳам суриштирдик. Одамлар бу гал ҳам Сардор полвонлик килди, деган гапдан нарига ўтишмади. Сизнинг қаердалигингизни аниқ айтишмади. Хозир сўраб-суриштириб келаётганим. .

- Боришим зарилми?

- Зарилам гапми? Отам... - меҳмоннинг бўғзига нимадир тикилди. - Отам... ўлим билан олишаяптилар. Хар замон ўзларига келганда "Жарлик Сардор полвонни топинглар, унга айтадиган гапим бор" деб ёлворганлари-ёлворган.

Сардор полвон "хозир" деганича ичкари кирди. Зум ўтмай қийимларини алмаштириб чиқди. Меҳмон "Москвич"ни ўт олди.

Ўн беш-йигирма дақиқалар чамаси вақт ўтгач машина накшинкор дарвоза олдида тўхтади. Улар узун-киска бўлиб ичкарига йўналишди.

Хона гавжум. Мулла Абдурозикнинг яқинлари бўлса керак, бемор атрофида жимгина ўтиришибди. Эрақлар юзида хавотир, аёллар эса рўмоллари учи билан кўз ёшларини сидиришган...

- Ота, Сардор полвон келди.

Хонадагилар ўринларидан кўзгала бошлашди. Сардор полвон мулла бобо ётган диванга яқинлашди.

- Ассалом алайкум, мулла бобо, тузукмисиз...

- Сардоржон, келдингми, бўтам.

Бемор овоз келган томонга аранг бурилиб Сардор полвонга тикилди. Беморнинг бош тарафида ердан бошини кўтара олмай бужмайиб турган йигит Сардор полвоннинг диққатини тортди. Яхшилаб тикилди, не кўз билан кўрсинки - бу Хошим эди.

- Сардоржон, сени кўрдим, энди беармон кетадиган бўлдим! - Беморнинг хазин овози полвонни сергаклантирди. - Сен... сен... балки биларсан, балки эшитмагандирсан. Сен Жаббор

дўхтирнинг ўғлисан...

Мулла Абдурозик гира-шира кўзларини очди. Кўкимтир осмонми? Йўғ-э, шифт-ку. Нега жимлик. Қаерда ётибман?

- Хайрият-э, отажон, тузукмисиз энди?

- Каердамиз?
- Касалхонада. Хаммамизни кўркитиб юбордингиз-ку. Яхшиям дўхтирлар боракан.
- Барака топишсин.

Мулла Абдурозикни ўгли ўнг томонга ағдарди. Лабига пиёла тутди. Мулла бобо палатага разм солди. Ок чойшабли иккита каравот ва тумбочка. Одам бўйи келадиган кийим илгичга ўхшаш кандайдир мосламага шиша идиш уланган. Палата тўридаги кенг деразадан саргайган барглари сийраклаша бошлаган дарахтлар кўзга ташланади...

- Мумкинми, ассалому алайкум, мулла бобо. Согликлар калай энди?

Ок халатли, ориккина ёш дўхтир стулга ўтиргач, бобо билан куюк сўрашди.

- Дўхтир ўзимиздан экан, ота, - таништира бошлади ўгли. - Жарлик. Бу укамнинг хизмати катта бўлди. Жаббор дўхтир деса хамма таниркан.

Жаббор мулла Абдурозикнинг кўнглига ўтирди. Навбатчиликда колган кунлари бобони зериктириб кўймаслик учун у тез-тез палатага кириб хол-ахвол сўрар, шифокорлар ёзиб берган

дориларни топиб келарди.

Палатага кириб келган Жабборнинг безовталигини сезган бобо хавотирланиб секин сўради:

- Бир нима бўлдими, Жабборжон?

Жаббор олдиларида ҳеч ким бўлмаса-да, атрофга олазарак боқди. Мулла бобога энгашиброк ўтирди.

- Бува, бир илтимос билан келдим. Мен учун йўк деманг, - дея ялингансимон охангда сўз бошлади.

Мулла бобо "Тушунтириброк гапиринг" демокчи бўлиб огиз жуфтлаган эди, Жаббор хаяжонланиб гапани давом эттирди.

- Бир кизни олиб кочдим, бува... Бир-биримизни яхши кўрардик. Мен айбдорман.

Наилож... Нима бўлса бўлар...

- Киз олиб кочдим?! Ўйлаб иш килдингизми?! Бировнинг фарзандини-я?!

- Хозир бир бошидан айтиб бераман, - бир муддат хаёлларини жамлаб олган Жаббор ютиниб олди-да, бошидан ўтказган воқеаларни баён килди. Жабборнинг хижолатомуз айтаётган гапларини охиригача тинглаган Мулла бобо бармоклари билан тараган бўлиб соколларини силади ва салмокланиб Жаббор кутмаган фикрни айтди:

- Баракалла, яхши иш килибсиз, бўтам. Мардона, тантилларча иш тутибсиз, бу хар кимнинг хам кўлидан келавермайди... Энди буёгига махкам бўлинг!

- Энди ортга кайтиш йўк, - дадилланди Жаббор, - Гуласал билан турмуш курай десам уйимиздагилар кўнмаса. Унинг онаси хам барибир рози бўлмайди. Уйлай-уйлай шу карорга келдик. Сезяпман, шу киз билан бахтли умр кечирамиз...

- Худо хохласа, денг, болам,Худо хохласа...

Жаббор дўхтир бош ирғаб кўя колди.

Пешонасидаги ажинлар тиришиб, ўйчан киёфа акс этган Мулла бобо:

- Бир-бирингизга кўнгил кўйибсизлар, киз рози экан... Барибир ёшликларингга борибсизлар- да, - дея эшитилар-эшитилмас мингирлади.

- Ха, худди шундай, киз рози, факат шаръий никоҳдан ўтишимиз зарур. Шунинг учун олдингизга келдим, ўтиниб сўрайман, мулла бобо, гапимни ерда колдирманг. Бу ҳақда зинхор- базинхор ҳеч кимга огиз очмайман. Кийиниб олинг, пастда машина кутиб турибди...

Жабборнинг холатини англаган, бу калби пок, самимий йигитнинг суханини рад этишни

Ўзига эп билмаган мулла Абдурозик ноилож кўнди.

\* \* \*

Мулла бобо нурсиз кўзларини полвонга тикканча бироз сукутга чўмди. Имо-ишора аралаш базўр гапини поёнига етказишга уринди.

- Сардор, Жаббор дўх... тирнинг зур... риёдисан. Адашма... ота-онангнинг никохини ўзим ўкиганман.

Беморнинг кўзлари шифтга кадалди.

- Мендан рози бўлинглар!

Хонада пик-пик йиги овози эшитила бошлади. Кимдир Сардор полвонни елкасидан маҳкам кучди. Караса Хошим. У Сардор полвоннинг кўзига тик қарай олмаса-да, лаби-лабига тегмай бидирларди:

- Мени... мени кечи-иринг. Аҳмок эканман. Кеча жаҳл устида... Мен ношуд, бобожоним ўкиган никохга лой чаплабман-а!

Сардор полвон Хошимни ўзидан нари силтади ва эшикка юзланди. Ўпкаси тўлиб кетди. Шу лаҳзада илк дафъа ота-онасини - Жаббор дўхтир билан онасини кўмсади. Уларни жуда-жуда соғиниб кетди...

«Ёшлик» журнали 4-сон, 2011 йил